

**ЎЗБЕК БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОР РАҚСЛАРИДА
МУСИҚАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

Нодира Алимджанова,

*Ўзбекистон давлат хореография академияси
“Санъат назарияси ва тарихи”
кафедраси мудири, доцент в.б.*

Тўмарис Аъзам Бутунбоева,

*Ўзбекистон давлат хореография академияси
ўқитувчиси Ph.D.*

Аннотация. Мазкур мақолада ўзбек болалар фольклор рақсларининг шаклланиш босқичлари ва тараққиётида мусиқанинг ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар. мусиқий мерос, фольклор рақслари, маросим қўшиқлари, болалар, анъана, ўйин, қадрият.

Мутахассисларнинг фикрича, “Ҳар бир миллий рақс ўзи мансуб ҳалқнинг миллий хусусиятларини акс эттиради ва ҳалқ мусиқаси ҳамда қўшиқлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. Миллий рақс – ҳалқ томонидан яратилади ва унинг маданий тараққиётида муҳим аҳамият касб этади”¹. Зеро, болалар фольклор рақсларида ҳам энг қадимги анъаналаримиз, урф одатларимиз намоён бўлади.

Болалар фольклор рақслари кичкинтойларга гўзалликни ҳис қилишни, ватанни, табиатни севишни ва қадрлашни ўргатади. Барча шаклланиш

¹ Володькина Н.А. Урок народно-сценического танца. Санкт-Петербург, изд. Планета музыки, 2019. с.7.

ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ

босқичларида унинг ўзига хос хусусиятлари халқнинг ўтмиши, миллий характери билан узвий боғланган ижро ва ижод жараёнларининг ўзаро муносабатларида такомиллашади.

Болалар фольклор рақсларининг мусиқа билан уйғунлиги мамлакатимизнинг ҳар бир гўшасида маросим қўшиқлари ўзига хос бетакрорлиги билан ажralиб турди. Уларда ҳар бир худуднинг ўзига хос нақши, ранг ва услублари мавжуд. Мусиқа ва рақс ўртасидаги мутаносиблик жуда қадим тарихга эга ва рақснинг умумий яхлитлигини таъминлайди. Ҳаракат ва имо-ишораларни тўғри бажариш, гавда ҳамда оёқ ҳолатларини бир-бирига боғлиқ ҳолда аниқ ифодалаш зарур.

Вилоятлар кесимида фольклор рақсларининг мусиқа билан уйғунликдаги ўзига хос фарқ ҳақида гапирганда, халқимиз анъаналарининг бой ва хилма-хиллигига эътибор бериш керак. Айниқса, “Чағоллоқ” (Хоразм), “Майдаё, майда” (Андижон), “Ким оладиё, шугинани ё” (Сурхондарё), “Сумалак сайли” (Фарғона), “Тулкичам” (Тошкент), “Сават тўқиши” каби рақс композицияларининг баркамоллигига мусиқа жуда катта аҳамиятга эга. Хореограф билан фикрлашиб, мусиқа ўқитувчиси томонидан тўғри танланган мусиқа ҳам томошабинга, ҳам ижрочига эстетик завқ бағишлийди.

Энг қадим замонлардан бошлаб, фольклор рақс анъаналари, ижро услуби ўзининг пластик тасвирий воситаларига эга бўлиб, улар тарихий, ижтимоий ва географик шароитлар таъсирида шаклланади. Илк болалар фольклор рақсларида асосан тепки, қарсак ва таёқлардан ҳам фойдаланишган. Кейинчалик предметли рақслар деб ном олган йўналиш меҳнат қуроллари ҳамда майший турмушда ишлатиладиган пиёла, ликоб, ангишвона каби буюм билан ижро этилган. Мавсумий рақсли қўшиқларининг маълум мақсадга йўналтирилганлиги уларнинг мусиқий шеърий мазмуни ва бадиий шаклланишининг асоси ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳам замонавий рақс таълимида болаларга рақс ҳаракатлари ва ҳолатлари мусиқа билан боғланган ҳолда ўргатилади. Биринчи

навбатда мусиқанинг оҳангдорлиги, рақслардаги қувноқлик ва жўшқинлик кучайтиради, кичкитойларнинг эътиборини ўзига тортади. Болаларнинг либослари ҳам мусиқага мос зангори, пушти, қизил, сариқ, бинафша, оқ каби ёрқин рангларда мақсадга мувофиқ. Тақинчоқларда ҳам болаларнинг беғубор руҳий оламларига мос ранглар танланиши керак.



Фольклор асарларида рақс ҳаракатлари орқали миллий қадриятлар ва урф- одатлар, халқимизнинг улар билан боғлиқ характерли белгиларни намойиш этилади.

Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишда миллий маданиятимиз, санъатимиз тарихини ўрганиш ва янада ривожлантириш болалар тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. миллий фольклор санъатига бўлган эътибор ҳам ўтган йиллар мобайнида кучайди. Ҳар бир вилоятнинг болалар фольклор - этнографик ансамбллари халқимизнинг қадимги анъаналарини ўзида мужассам этган воқеликка муносабатини ўзига хос ифодалаш услубларини топган. Уларнинг ҳар бири бетакрорлиги билан халқ маънавиятининг, миллий мусиқа ва рақс санъати тараққиётида муҳим воқеа ҳисобланади. Майин, ёқимли, жарангдор мусиқа рақсга рух бағишлийди, жонлилик киритади, унинг таъсирчанлигини оширади. Ҳамда ўсиб келаётган ёш авлод қалбida она юртга, миллий қадриятларга муҳаббат туйғуларини уйғотади.

Болалар фольклор рақсларининг ижтимоий ҳаётимиздаги маданий-маърифий ўрнини белгилашда йўқолиб бораётган рақсларни тиклаш, лиbosлар, безаклар ва тақинчоқларнинг номлари, рақс ҳаракатлари, ҳолатлари, имо - ишораларга оид атамаларнинг каталогини тузиш, мобил иловасини яратиш каби муаммоларни ҳал қилиш долзарб аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ижодкор зиёлилар билан учрашуви ЎзА, 2017 й., 3 август.
2. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 5-ж. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат нашриёти, Т.2003.
- 3.Авдеева Л. Ўзбек миллий рақси тарихидан. М.Турғунбоева номидаги “Ўзбекрақс” миллий рақс бирлашмаси. Т.2001.
4. Мусақулов А. “Ўзбек халқ лирикаси”. “Фан”; Т. 2010.
5. Володькина Н.А.Урок народно-сценического танца. Санкт-Петербург, изд. Планета музыки, 2019.
6. Жабборов И. “Ўзбек халқи этнографияси” Т. 1994.